

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

мактабгача таълим муассасаларини жиҳозлаш, мол-мулкдан самарали фойдаланиш ҳамда малакали кадрлар билан таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин;

бўртмачилар билан пудратчилар ўртасидаги шартнома мажбуриятларининг бажарилиши, жумладан тасдиқланган намунавий лойиҳаларга мувофиқ бажариладиган лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури лойиҳаси ва қурилишнинг манзилли рўйхатини шакллантиришда янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш ҳамда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

рени янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш манзилли рўйхатига киритилган объектлар бўйича танлов (тендер) савдоларини ўз вақтида ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Муносабат

— Одам ёши ўтган сари меҳрга, эътиборга кўпроқ эҳтиёж сезади. Ҳаётда кўриб-кузатганлари, чиқарган сабоқ ва хулосаларини фарзандлари, набираларига айтгиси келади.

Нуронийларга ғамхўрлик кўрсатиш — инсоний бурчимиз



Феруза ЭШМАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

Янги йил арафасида қабул қилган «Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жағма-маси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармон юртимиздаги барча отахону онахонларимизга энг қадрли байрам совғаси бўлди.

Фармонда кексаларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида қариялар ва фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг фаоллигини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди.

Шунингдек, ёлғиз ва муҳтож кексаларга ижтимоий ва моддий кўмак кўрсатиш, «Нуронийлар маскани» комплексларини яратиш ва уларда ўқув заллари, хордиқ хоналари, даволаш физкультураси, овқатланиш хоналари ва тиббий кабинетларни ташкиллаштириш, бир сўз билан айтганда, ёшу улуг инсонларга ҳар томонлама ҳурмат ва эъзоз-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг саломатлигини тиклаш ишларини тубдан қучайтириш чора-тадбирлари қайд этилди.

Кексаларга ҳурмат кўрсатиш халқимизнинг табиғатиға хос зағу фазилатлардан. «Нуронийларимизнинг» панд-

насиҳатлари ҳаётимизни безайди, нурли чехраси хонадонимизга фазл киритади. Шунинг учун давлатимиз томонидан кексаларни эъзозлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида доимий равишда эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маънавиятини белгилайди. Содда қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш ҳаётимизнинг ажралмас қисмиға айланмоқда.

Ўз ҳаётини, оиласини пиру бадавлат ота-оналар, бобо-буваларисиз тасаввур қила олмайдиган ўзбек халқи учун ушбу Фармоннинг аҳамияти ва қадри осмон қадар баланддир. Меҳр ва эътибор хонадонларимиз фариштали бўлган нуронийларимизнинг умриға умр, кўниға куч қўшади, уларға руҳий мадад бўлади.

Фармонда белгиланган вазифалар қандай ижро этилади? Ижтимоий ва имтиёزلардан ёши улуг кексаларимиз қай даражада фойдаланишди? Бундай саволлар доим партияимиз ташкилотлари ва депутатлар эътиборида турмоғи керак, деб ўйлайман. Негаки, нуроний кишилар асосан бизнинг электоратимиз вакиллари ҳисобланишди.

Ёлғиз кексалар, пенсионерларни безовта қилган ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш, уларни мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда ижобий ҳал этиш, лозим бўлса, мазкур масалалар юзасидан давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитишимиз зарур.

Бугун эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг улкан хизмати бор. Шунинг учун улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича нуронийларимизнинг оғирини енгил, умрини узок қилишни инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.

Уларға мустаҳкам соғлиқ, узок умр тилайман.

— Катта орзу-умидлар, эзғу мақсадлар билан Янги йилға қадам қўйдик. 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши одамларнинг келажакка умиди ва ишончини янада мустаҳкамлади.

Халқ хизматида бўлиш — олий бахт



Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

Президентимиз «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», дея қатъий таъкидлагани ёшу-қарини бирдек руҳлантириди, фуқароларимиз кўнгли кўтарилиб, ҳаётга бошқача қарай бошлади.

Куни кеча жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишларнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Президентимизнинг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармон юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ишлари қадриятли яна бир ишбод бўлади. Фармонда Ўзбекистон Республикаси Президентининг девони ишлар бошқармасининг негизида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарини ташкил этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси тузилиши қайд этилган. Буларнинг барчаси аҳоли

билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя этишга, уларнинг муносабатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизимини яратишга хизмат қилади.

Дарҳақиқат, раҳбар қанчалик одамларга яқин бўлса, уларнинг дарди ташвиши билан яшаса, оғирини енгил қилишга интиласа, у халқпарвар етакчи деган улуг мартабага сазовор бўлади.

Бугун халқимизнинг ҳуқуқий маданияти, дунёқарashi, фикрлаши тубдан ўзгарган. Одамларимиз ўз ҳуқуқлари, эркинликларини яқин англайди. Буни давлат органларига бўлаётган муносабатлардан ҳам кўриш мумкин. Ҳар бир муносабатнинг ортида эса инсон тақдирини, унинг муаммоси, дарди ётади.

Фармонни ўқиб, депутат сифатида бизнинг зиммамизда ҳам катта вазифалар турганини ҳис этдим. Бу сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг иссиқ-совуғидан ҳаммиша хабардор бўлишдан иборат, десам тўғри бўлади. Ҳеч бир депутат сайловчилар билан шунчаки мулоқот ўтказмаслиги керак. Аксинча, учрашувдан кейин аниқ натижа учун ишларимиз, сайловчиларнинг муносабатини, муаммосини ҳал этиш устида изланишимиз, интилишимиз, курашимиз керак.

Сайловчилар биздан, сиёсий партиялар ва парламентдан нимани кутаётгани, қандай қонунларга эҳтиёж борлиги айнан улар билан бевоқиф мулоқотларда намоён бўлади.

Халқимиз ҳаммиша ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоясини давлатга ишонди. Энг қийин вақтда нажотни парламентдаги вакилдан, раҳбардан кутади, керак бўлса, талаб ҳам қилади. Биз ана шу юксак талабларга жавоб беришимиз, бунинг учун масъулият ва ташаббускорлик, виждонан ва ватанпарварлик билан хизмат қилишимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Мустақиллик йилларида республикада миллий таълим ва тарбия тизимининг давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли жорий этилиши натижасида мамлакатда ноёб узлуқсиз таълим тизими барпо этилди.

Мақтабгача таълим соҳаси мазкур тизимнинг илк бўғини ҳисобланади ва бутун таълим-тарбия тизимининг асосий мақсади бўлган — баркамол авлодни тарбиялашга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда мактабгача таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини ошириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 2015-2016 йиллар давомида 459 та мактабгача таълим муассасаси мукамал таъмирланди ва замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди.

Шу билан бирга, бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларининг таълим дастурлари ва ўқув-тарбиявий режаларига қўйилган давлат талабларини такомиллаштириш долзарб масалалигича қолмоқда. Аксарият мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базаси замон талабларига жавоб бермайдди. Болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш кўрсаткичи ҳамон пастлигича қолмоқда.

Мавжуд муаммоларни амалий бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Дастур асосида қуйидаги кенг қўламли комплекс тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун илгор хорижий тажрибаларни инobatга олган ҳолда зарур шарт-шароитлар яратиш;

мактабгача таълим муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув

режа ва дастурларини замонавий педагогик технология ва методларни инobatга олган ҳолда такомиллаштириш;

2200 та мактабгача таълим муассасасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан қишлоқ аҳоли пунктларида янги мактабгача таълим муассасаларини қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, ускуналар, ўқув-методик қўланмалар, мультимедиа ресурслари билан таъминлаш. Ушбу тадбирларни амалга ошириш учун жами 2,2 триллион сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Қарор билан белгиланган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида қуйидагиларга эришилди:

юқори сифатли мактабгача таълимни таъминлаш, болаларни сифатли мактабга тайёрлашни тубдан янгилаш, таълим-тарбия жараёнига мўқобил дастурларни жорий этишга;

болаларни мактабга тайёрлашнинг мўқобил шакли бўлган 6100 та қисқа муддатли гуруҳини ташкил этишга;

3-6 ёшдаги мактабгача таълим

муассасаларига қамраб олинмаган болаларни уларнинг ота-оналарини методик қўланмалар билан таъминлаш орқали мактаб таълимига тайёрлашни ташкил этишга;

мактабгача таълим муассасалари тармоғини 50 та янги қурилиш ҳамда мавжуд муассасаларнинг 1167 тасини реконструкция қилиш ва 983 тасини мукамал таъмирлаш орқали кенгайтиришга;

қишлоқ жойлардаги мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар бадал тўловини 30 фоизга камайтиришга;

болаларнинг мактабгача таълимга қамровини 1,5 баробар оширишга.

Дастурнинг самарали амалга оширилиши унда кўзда тутилган кўрсаткичлар ижросининг боришини тизимли мониторинг қилиб бориш орқали давлат органларининг доимий назоратида бўлади.

Қарорнинг амалга оширилиши давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири сифатида республикаимизнинг узлуқсиз таълим тизимини янада ислоҳ қилиш борасидаги ривожланиш йўлининг узвий ва бошқичма-бошқичлигини таъминлайди.

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир.

Бу борадаги ишлар бугун изчил ва тизимли равишда давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш тўғрисидаги фармонида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш мақсадида бир қатор муҳим чора-тадбирлар белгиланган.

Илм-фан билан шуғуллаш, янги кашфиёт ва ихтиролар қилиш игна билан қудуқ қазишдек гап, деди

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Президентимиз. Шундай экан, бу машаққатли соҳада фидокорона меҳнат қилаётган олимларимиз меҳнати таҳсин ва рағбатга муносиб.

Мамлакатимиз ва жамиятимизнинг замон талаблари даражасида ривожланишини илм-фансиз тасаввур қилиш қийин. Илм-фан тараққиётида фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Айнан улар орқали янги билимлар ўзлаштирилади ва назариялар шакллантирилади, келгуси амалий тадқиқотлар ҳамда инновацион ишланмалар учун мустаҳкам асос яратилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг ҳаммасини ҳам илм-фаннинг бугунги юқори ривожланиш даражасига тўла жавоб беради, деб бўлмайди.

Юқори технологик илмий махсулотларни амалиётга таъкил этиш учун янги замонавий тажриба-ишлаб чиқариш, конструкторлик-технологик таъкилотлар ҳамда инновацион марказларини ташкил этиш зарур. Маркетинг ва лицензиялаш хизматлари талаб даражасида эмас. Бу мамлакатимиз илмий-инновацион махсулотларини амалиётга кенг тат-

биқ этишда яққол сезилмоқда.

Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш муҳимлиги алоҳида қайд этилган. Янги технологияларни жорий қилувчи корхоналарга имтиёзлар ва преференциялар бериш илм-фанга инвестиция киритадиган корхоналар сони сезиларли даражада ошишида муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд илмий салоҳият ва маблағларни иқтисодиёт тармоқларининг буюртмалари ва муайян муаммоларни ечишга қаратилган энг муҳим устувор тадқиқотларга йўналтириш зарур.

Жаҳоннинг етакчи институтлари, университетлари, илмий марказлари ва Фанлар академиялари билан илмий ҳамкорликни янада ривожлантириш замоннинг ўзи талаб қилмоқда, деди Президентимиз. Хорижий етакчи ўқув ва илмий муассасаларида таълим ва илмий даража олган юртдошларимиз учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратиш бериш, уларни рағбатлантириш чораларини кўриш керак.

Мамлакатимизда юқори салоҳиятга эга, жаҳон

миқсидида эътироф этилган олимлар кўп. Улар ўз мактабларини яратиши, шоғирдлар тарбиялаши лозим. Ёш авлодни салоҳиятли кадрлар этиб тарбиялашдаги биринчи босқич — мактаб таълимини тубдан такомиллаштириш, илмий кадрлар ва юксак малакали мухтаassisлар тайёрлаш жараёнининг узлуқсизлигини таъминлаш зарур. Бу йўлда ҳеч нарса ни аямиймиз, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди урашувларида илмга сурилган тақлифлар, жумладан, замонавий технопарклар, Академиклар шаҳарчасида эркин иқтисодий ҳудуд макониға эғч бўлган Инновацион марказ ташкил этиш бўйича ташаббус илмий-тадқиқот институтлари, таълим муассасалари ва саноат корхоналарининг рақобатбардошлигини ошириш, соҳага маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб этиш имконини бериши илм-фан аҳли томонидан алоҳида таъкидланди.

Урашувда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Фанлар академияси академиклари А.Қаюмов, М.Салоҳиддинов,

2015-2016 йиллар давомида 459 та мактабгача таълим муассасаси мукамал таъмирланди ва замонавий талабларга мос равишда жиҳозланди.

Ифтихор

Президентимиз фармони асосан «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга кирган вақтда турли объектив ва бошқа ҳаётий вазиятларга кўра чет элда бўлган республиканинг маҳаллий аҳолиси орасидан 179 нафари Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганни 2016 йилнинг энг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросиман

ва бундан фахрланаман

2016 йил мен учун, оиламиз учун энг бахтли йиллардан бири бўлди. Президентимизнинг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганим ҳақидаги хабар кўксимни тоғдек кўтарди. Болаларим «Онажон, кутлуг бўлсин!», дея кучоқ очиди. Олам кўзимга бошқача кўрина бошлади.

Мен улар юртинг фуқаросиман, бу билан чексиз фахрланаман, деб ҳайқиргим келади. Махалла-қўй уйимизга табриклагани келганида оқибатли кўшилларим, қишлоқдошларимнинг хурсандчилигини кўриб, севинчим ичимга сиғмай кетди. Яширмайман, йилгадими, қувончларимни, армонларимни тўкиб йилгадими. Ахир бу кунни қанчалар оразиқиб кутган эдик!..

Яккабоғ туманининг «Қатагон» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Нуғайли қишлоғида туғилиб, ўсганман. Ўқиб, муаллим бўлдим, анча йил ёшларга таълим бердим. 1983 йилда ҳам қишлоғим Оллоберди Якубовга турмушга чиқдим. Гап шундаки, умр йўлдошим саксон иккинчи йилда Тошкент политехника институтини битириб, консерва тайёрлаш бўйича муҳандислик ихтисослигини эгаллади. Уни йўланма билан қўшни Туркманистоннинг Ашхабод шаҳридаги корхонага ишга юборишди. Мен ҳам турмуш ўртоғим билан бира кетдим.

Ҳомилдор бўлганимда қайнонам «Болангни уйингда туғасан», деб қаттиқ туриб оларди. Икки ўғил ва икки қизим ўз юртимизда, она қишлоғимда туғилди. Орадан йиллар ўтди, 1998 йилда юртимизга қайтиб келдик. Умр йўлдошим боғбонлик билан машғул бўлди. Мен уй бекаси эдим. Фарзандларимиз улғайди. Катта қизим Соҳиба олий маълумотли, чет тили ўқитувчиси бўлди. Акмалжон яхши уста, уйлар қураётди. Азизбек тадбиркор. Кенжам Сабрина коллежда таълим оляпти.

Менга ва умр йўлдошимга вақтинчалик паспорт берилган эди. Кўпинча ўзимни омонатдек сезардим. Фарзандларим ҳеч нарса дейишмаса ҳам, баъзан нега бизга вақтинчалик ҳужжат берилган, деб таъна қилгандай туюлаверарди. Ростига кўчсам, гўёки она қишлоғимда ўзимни бегонадек ҳис қилардим.

Менинг бахтим — оиламизнинг, фарзандларимизнинг бахти, қувончи. Ана шу бахтни инъом этгани учун Президентимизга раҳматлар айтман. Оиламиз ва фарзандларим билан юртимиз, халқимизга сидқидилдан хизмат қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни Янги йил билан кутлайман. Илоҳо, кириб келаётган йил ўзи билан кут-баракат, яхшиликлар олиб келсин. Ватанимиз янада юксалсин. Бундан-да яхши, кутлуг кунларни кўриб яшаш ҳам-мамизга насиб этсин!

Саида ЭРНАЗАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси
фуқароси,
Қашқадарё вилояти,
Яккабоғ тумани.

МИЛЛАТ МАСЪУЛИЯТИ

2016 йилни кузатиб, 2017 йил кутиб олинаётган шу лаҳзаларда кўнглимдан ўтаётган гапларни изҳор этгим келди.

Баъзан ҳаёт олдимизга ўринли, шу билан бирга, ўткир саволларни қўяди. Уларга жавоб топиш осон эмас, албатта.

Ватан, халқ учун нима қилдим? Тўғриси тани олиб айтганда, ҳар биримиз ўз-ўзимизга ушбу саволни берганимизда, амалга оширган ишларимиздан кўра қилишимиз керак бўлган вазифалар кўплигига иқрор бўламиз.

Халқимиз 2016 йилда синовли кунларни бошидан ўтказди. Балки, шунинг учун ҳам ўтган йил бизни бирлаштирган, янада жипслаштирган йил сифатида тарихга айланди.

Ўзбекистон халқи ўзининг қандай халқ эканлигини яна бир марта амалда намоён этди. Халқимиз Биринчи Президентимиз Ислам Каримов васиятларига амал қилган ҳолда ягона мақсад — эркин ва фаровон Ўзбекистон давлатини барпо этиш, бу борада амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоқда.

Мустақиллигимизнинг ўтган йилги беш йилли давомида халқимиз онгу тафаккурида юз берган ўзгаришлар жаҳон кўз ўнгига тўла намоён бўлди. Биз миллат сифатида, энг аввало, ўзлгимизни англаб етдик. Ватанимиз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўйиш маданиятига эга бўлдик. Истиқлол қадр ва масъулияти бутун вужудимизни эгаллади.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган сўнги ойлар халқимизни яна бир марта имтиҳон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамолатимизда демократик тамойилларга амал қилинаётганини бутун дунёга намоён этиди. Халқимиз келажаги ва тақдирини ўзи танлаган, ишонган инсонга топширди.

Ўзбекистон Президенти этиб сайланган, халқимизнинг меҳрини қозongan Шавкат Мирзиёев билан бир неча бор учрашиб, суҳбатлашиб бахтига муяссар бўлдим. У киши Конституция байрами кўни менга унвон топшираётди, камтарона меҳнатларимга юқори баҳо берди. Шунингдек, зиммамга бир қатор масъулиятли вазифаларни ҳам юклади. Бунинг биринчиси бутун умрини Самарқанд давлат университетидега ўтказган, ўзбек адабиёти тарихининг билимдони, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби академик Ботурхон Валихўжаев илмий меросини янада чуқур ўрганиш, ёш авлодни ундан баҳраманд қилиш бўлди.

Уша лаҳзаларда шоғирдиннинг устоз олдидега бир умр қарздор



эканлигига, унинг хурматини жойига қўйиш, садоқат билан хизмат қилиш қанчалар муҳимлигига яна ва яна иймон келтирдим.

Давлатимиз раҳбарининг Конституция байрамадаги мазрузаси халқимиз руҳини жуда кўтариб юборганига шахсан ўзим гувоҳ бўлдим. Унда асосий эътибор халқ фаровонлигига, юрт тинчлигига, ватан тараққиётига, қонун устуворлигига қаратилгани билан ҳам ғоятда қадрлидир.

Президентимизнинг барча даражадаги раҳбарлар халқнинг дардини эшитиши, ҳурмат-иззатини жойига қўйиши, муаммоларини ҳал этиши, адолат тамойилларига сўзсиз амал қилиши зарурлиги ҳақидаги мулоҳазалари шу халқнинг бир вакили сифатида қалбимни фахр-ифтихорга тўлдирди.

«Ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган — шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам — шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам — айнан шу халқ. Шундай экан, биз, биринчи навбатда, ким билан мулоқот қилишимиз керак — одамларимиз билан. Ким билан бамаслаҳат иш

Халқимиз 2016 йилда синовли кунларни бошидан ўтказди. Балки, шунинг учун ҳам ўтган йил бизни бирлаштирган, янада жипслаштирган йил сифатида тарихга айланди.

2017 йилга «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб ном берилиши замирида ҳам ушбу ҳақиқатлар муҳасаммалашган.

Аслида ҳам мулоқот, учрашув, суҳбат инсонларни бир-бирига яқинлаштиради. Саволларга жавоб, муаммоларга ечим топилади. Келгуси режалар тузилади. Хатолар тузатилади. Бир сўз билан айтганда, икки ўртада тушунмовчилик бўлмайди. Барча масалаларга оидлик киритилади. Қилинадиган ишлар маслаҳатлашилади.

Халқ билан мулоқот қилган, унинг кўнглига йўл топган раҳбарни халқ ҳам эъзозлайди, ардоқлайди, номига, шаънига гард юктирмайди.

Бугун Ўзбекистонда Президент раҳбарлигида халқ билан очик мулоқот қилишининг жаҳон тажрибасида мутлақо кўрилмаган, бетақрор услуби яратилди. Буни нафақат юртдошларимиз, балки халққаро экспертлар ҳам эътироф этмоқда.

Президентимизнинг Алишер Навоий ҳазратларининг ижодида мурожаат қилиши Навоийнинг ихлосманди сифатида мени тўлқинлантириб юборди, ҳайратга солди: **«Одаимий эрсанг, демагил одами, Ониким, йўқ халқ гамидин гами»**. Яъни, бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш одаимийликнинг энг олий мезонидир, халқнинг гамидан узоқ бўлган инсонни одам қаторига қўшиб бўлмайди...

Бундан салкам олти аср муқаддам битилган ушбу сатрлар бугунги кунларимизга нақадар ҳамоҳанг. Халққа қилинган ҳар бир яхшилик исзис кетмайди. Ўз натижасини беради. Яхшилик — яхшиликни, эзгулик — эзгуликни келтириб чиқаради.

Ўйлашимча, юртимизда яшаётган ҳар бир инсон мамлакатимизда бошланган эзгу сазй ҳаракатлардан четда туришни истамайди. Чунки бутун халқимиз бу хайрли ишлар фарзандларимиз, набираларимиз бахти, улар биздан кўра яхши яшаши, илм эгаллаши учун қилинаётганини юрак-юрагидан ҳис этмоқда. Бир сўз билан айтганда, барчамиз ватанимиз келажаги учун, миллат шаъни учун масъул эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ.

Муслихиддин МУХИДДИНОВ,
Самарқанд давлат университети профессори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси.



ЮКСАК ПАРВОЗЛАР

Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган замонавий самолётлар жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларига парвоз қилмоқда. Мамлакатимизнинг ҳаво дарвозалари эса кўплаб хорижий авиакомпаниялар самолётлари учун ҳамма оқиб. Муҳим стратегик тармоқлардан бири бўлган Ўзбекистон фуқаро авиацияси тараққиёт йўлида тобора юксалмоқда.

— 2016 йилда миллий авиакомпаниямиз ҳаётида муҳим воқеалар кўп бўлди, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бош директорининг биринчи ўринбосари Акмал Акбаров. — Аввало, йўловчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида авиачипталарни бандлаш ва сотиб олиш бўйича онлайн хизмати жорий этилди. Пойтахтимиз аэропортида эса йўловчилар учун янги терминал қурилиши бўйича лойиҳани амалга оширишга киришилди. «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида композит материалларни ремонт қилиш бўйича янги марказ очилди. «Тошкент» халқаро аэропортида юртдошларимиз ва хорижий меҳмонлар учун янада қулайлик яратуви янги бизнес зали ишга туширилди.

Қувончлиси, миллий авиакомпаниямиз дунёдаги камдан-кам давлатлар авиашурачилари қаторида биринчилардан бўлиб иккинчи энг замонавий «Boeing 787 Dreamliner» самолёти билан таъминланди. «Орзу лайнери» деб аталувчи машҳур янги авлод самолётлари олис халққаро йўналишларида узлуксиз парвозларни амалга ошириш имкониятини беради. Европа ва Осиё йўналишларида ушбу самолётларда парвоз этган йўловчилар миллий авиакомпаниямиз салоҳиятини, ўқувчиларимиз касб маҳоратини эътироф этишмоқда. Яқин орада ушбу «Орзу кемалари»да ўзбек учувчилари олис масофалардаги трансатлантик узлуксиз парвозларни ҳам амалга оширишга киришадилар. Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» қанотлари мустаҳкамланиб, парвозлари янада юксалиб бормоқда.

Алишер РЎЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



УЗОҒИМИЗНИ ЯҚИН ҚИЛУВЧИ ЙЎЛЛАР

2016 йил 22 июль кўни халқимиз интиқ бўлиб кутган улкан орзу рўёбга чиқди.

Шу кўни узунлиги 123,2 километр бўлган Ангрэн — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси ва ушбу лойиҳа доирасида хитойлик ҳамкорлар билан биргаликда бунёд этилган 19,2 километрик «Қамчиқ туннели» ишга туширилди.

Мазкур темир йўл линиясининг қуриб фойдаланишга топширилиши 10 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган Фарғона водийси вилоятларини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлади ва юртимизда ягона темир йўллар тизимини яратиш борасидаги режаларни тўлиқ амалга ошириш учун замин яратди.

Янги темир йўл линиясининг ишга тушиши натижасида 1,5 минг нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

2016 йил июль ойидан бошлаб мазкур темир йўл линиясида дастлаб юк поездларининг мунтазам қатнови бошланди. Мустақиллигимизнинг 25 йиллик байрами арафасида эса Тошкент — Андижон — Тошкент йўналишида йўловчи поездлар қатнови йўлга қўйилди. Бугунги кунга келиб янги темир йўл орқали Андижон — Бухоро, Андижон — Урганч, Андижон — Москва йўналишларида ҳам йўловчи поездлари қатнови амалга оширилмоқда.

2016 йилдаги қувончи воқеалардан яна бири — Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналишида тезорар «Афросиёб» йўловчи поездининг қатнови йўлга қўйилгани бўлди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ — БОЛАЖОНЛАРГА

Байрам томошалари 28 декабрдан бошланди, 2017 йилнинг 8 январигача давом этади.

Ҳар йили янги йилни янги орзу-умидлар, яхши ниятлар билан кутиб оламиз. Айниқса, турли рангдаги ўйинчоқлар билан безатилган улкан арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз ҳамда эртак қаҳрамонлари томонидан намойиш этилаётган театрлаштирилган томошаларга ошқабётган болажонларнинг қувончи чексиз бўлади. Ҳўш, бу йилги янги йил шодиёналари ўтган йиллардагидан нимаси билан фарқ қилади? Бу саволга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги театрлар ва томоша муассасалари ишлари бошқармаси бошиғи ўринбосари Озод Йўлдошев шундай жавоб берди:

— Ўтган йиллари янги йил арчаси пойтахтимизнинг 2-3 марказий майдонларида ўрнатилган бўлса, бу йил 9 жойда ташкил этилди. Айниқса, Лаъзак мавзесида янгидан барпо қилинган «Локомотив-Анхор» маданият ва истироҳат боғи ёнидаги майдон болажонларнинг сеvimли сайилгоҳига айланди.

Мақтаб ўқувчиларининг қишки таътили даврида мамлакатимизнинг барча истироҳат

боғлари, марказий майдонлар, спорт саройларида, вилоятлар, шаҳар ва туманлар марказларида ўтказилаётган янги йил байрамларининг барчасига бадий жамоалар, ижодий бирлашмалар жалб этилган.

Меҳрибонлик уйлари, болалар шифохоналари, SOS болалар маҳалласи ва бошқа жойларда ҳам болажонларни хурсанд қилиш мақсадида хайрия томошалари ташкил қилинди. Янги йил арчаси, театрлаштирилган томошалар, Қорбобо ва Қорқизнинг совғалари болалар қувончига қувонч қўшмоқда. Томоша охирида актёрлар шоуиси ўтказилиб, эртак қаҳрамонлари болалар билан бирга рақсга тушадилар.

Тошкент давлат цирки майдонида ташкил этилган Янги йил тадбирларини каттақичик завқ билан томоша қилишди. Қорбобо ва Қорқиз, эртак қаҳрамонлари болаларни саҳнага чорлаб, улар билан қизикарли ўйинлар ўтказди.

Республика кўғирчоқ театрида 24 декабрдан бошлаб янги йилнинг 9 январигача кичкинтойлар учун ҳар кўни икки маҳал «Қор маликаси» спектакли ўзбек ва рус тилларида намойиш этиб борилади. Бу томошалар театрга кириш жойида бошланиб, болажонларни эртак қаҳрамонлари, Қорбобо ва Қорқиз кутиб олади. Болалар улар билан ўйинга тушишди, шеър айтишди, кейин



томоша залига кўтариладилар.

— Бизда янги йил тадбирлари 21 декабрдан бошланиб, 8 январгача давом этади, — дейди Республика ёш томошабинлар театрининг адабий эмакдоши Тимур Мустафин. — «Зумрад шаҳри сеҳрлари» эртагини янгидан сахналаштирдик. Эртак давомида видео экрандан ҳам фойдаланамиз.

Нуруллоҳ ДОСТОН,
ёзиб олди.

Янги йил арчаси, театрлаштирилган томошалар, Қорбобо ва Қорқизнинг совғалари болалар қувончига қувонч қўшмоқда.



Муҳим спорт воқеалари

2016 йилнинг май ойида Фаргона шаҳрида мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг Универсиадаси ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан ташриф буюрган ўн тўрт терма жамоа спортнинг ўн беш тури бўйича голиблик учун майдонга тушди. «Универсиада — 2016» мусобақалари шаҳар ва вилоят саралаш босқичларида 165 мингдан зиёд талаба-спортчи қатнашди. Улар орасидан сараланган 900 нафардан зиёд йигит-қиз спорт фестивалида маҳоратларини намойиш қилди.

Тошкент шаҳри, Фаргона ҳамда Самарқанд вилоятлари терма жамоалари энг яхши натижаларга эришди.

2016 йилнинг 5 — 21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида XXXI ёзги Олимпия ўйинлари бўлиб ўтди. Унда ер қурасининг 206 давлатидан ўн бир миң нафардан зиёд спортчи қатнашди.

Мамлакатимизнинг етмиш нафар вакили ўн уч спорт тури бўйича жами 13 (4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза) медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида йигирма биринчи ўринни эгаллади.

2016 йилнинг 7 — 18 сентябрь кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида дунёнинг 176 мамлакатидан тўрт миң нафардан ортиқ спортчи майдонга тушди.

Мамлакатимизнинг 32 нафар спортчиси жами 31 (8 олтин, 6 кумуш ва 17 бронза) медалга сазовор бўлиб, умумжамоа ҳисобида ўн олтинчи, Осиё мамлакатлари орасида учинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллади.

ЎЗБЕКISTON ЖАҲОН РЕЙТИНГЛАРИДА

1. ЎЗБЕКISTON ИЖОБИЙ ФИКРЛАЙДИГАН ДАВЛАТЛАР РЕЙТИНГИДА ТЎРТИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

2016 йил, март.
АҚШнинг Gallup ижтимоий фикр институти томонидан дунё мамлакатлари аҳолисининг ҳис-туйғулари индекси — Gallup 2016 Emotions Report тайёрланди. Унда Ўзбекистон тўртинчи ўринга муносиб кўрилди.

Тадқиқотда жаҳоннинг 140 мамлакатидан 147 миң респондент иштирок этди. Уларга ҳис-туйғулари ва фикрлаши билан боғлиқ бешта савол берилди: «Кеча сиз ўзингизни яхши дам олгандек ҳис қилдингизми?», «Кеча сизга куни бўйи ҳурмат билан муносабатда бўлингизми?», «Кеча сиз кўп жилмайдингизми, қўлингизми?», «Кеча сиз бирор қизиқарли нарсга ўргандингизми ёки қизиқарли иш қилдингизми?», «Кеча кўнгли ёза олдингизми?».

Муаллифларнинг фикрича, ижобий ҳис-туйғулар етишмовчилиги мамлакатлардаги узоқ муддатли ички ёки ташқи иттилофлар ҳамда кенг миқёсли фожиа ва офатлар билан боғлиқдир.

2. ЎЗБЕКISTON ХАЙР-САХОВАТ БЎЙИЧА ДУНЁ РЕЙТИНГИДА 11-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

2016 йил, октябрь.
Ўзбекистон дунё хайр-саховат рейтингига (World Giving Index) 11-ўринни эгаллади. Рейтинг Charities Aid Foundation (CAF) хайрия жамғармаси томонидан тақдим этилган.

Эслатиб ўтамиз, 2015 йилда эълон қилинган хайр-саховат бўйича дунё рейтингига Ўзбекистон 27-ўриндан жой олганди.

3. ЎЗБЕКISTON ЭНГ КЎП САЙЁҲЛАРНИ ЖАЛБ ЭТГАН МАМЛАКАТЛАР ҲАМДА УНТАЛИГИДАН ЖОЙ ОЛДИ

2016 йил, июнь.
National Geographic журнали сайёҳлар учун саёҳат қилиш тавсия этиладиган энг яхши мамлакатлар рўйхатини эълон қилди. Унда Ўзбекистон 6-ўринда қайд этилди.

National Geographic талқинига кўра, Ўзбекистон аввало саёҳат учун тинч ўлка. Шунингдек, гўзал табиати, тарихий қадимжоларга бойлиги, меҳмондўстлиги билан ажралиб туриши эътироф этилган.

4. ЎЗБЕКISTON ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИ РИВОЖЛАНГАНЛИК РЕЙТИНГИДА 57-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

2016 йил, май.
Буюк Британиянинг Legatum Institute тадқиқот маркази 2015 йил якунларига кўра, дунё мамлакатлари ривожланганлик рейтингини эълон қилди.

Рейтингда биринчи ўринни Норвегия эгаллади. Юқори ўнликка Швейцария, Дания, Янги Зеландия, Швеция, Канада, Австралия, Нидерландия, Финляндия ва Ирландия каби давлатлар кирди.

Ўзбекистон ушбу рейтингда 57-поғонани эгаллаб турибди. МДХ мамлакатларидан Қирғизистон 66, Украина 70, Озарбайжон 71, Тожикистон 91-ўринларда кўрсатилган.

Индекс жамият ҳаётининг турли жаҳаларини ақс эттирувчи саккизта мезон — иқтисодий, тадбиркорлик, бошқарув, таълим, соғлиқни сақлаш, хавфсизлик, шахсий эркинликлар, ижтимоий капиталдан иборат 79 кўрсаткич асосида тузилади.

5. САЛОМАТЛИК РЕЙТИНГИДА ЎЗБЕКISTON МДХ МАМЛАКАТЛАРИ ҲАМДА УНТАЛИГИДАН БИРИНЧИ ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

2016 йил, октябрь.
Британиянинг нуфузли The Lancet тиббиёт журнали томонидан таъбиот, ҳаёт ва саломатлик билан боғлиқ барқарор ривожланишнинг кўрсаткичлари бўйича дунё мамлакатлари рейтингини эълон қилинди.

Унда жаҳондаги 188 давлат ўртасида Ўзбекистон 55-ўринни эгаллади. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида энг яхши кўрсаткичдир. Мазкур рейтингга Туркменистон (60), Озарбайжон (75), Молдова (80), Қозоғистон (85), Арманистон (86), Тожикистон (99), Қирғизистон (113), Украина (118), Россия (119) ва Беларусь (120) каби давлатлар киритилган.



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

6. ЎЗБЕКISTON ЭНГ ҚИЗИҚ САЙЁҲЛИК ЙўНАЛИШЛАРИ РЎЙХАТИДА 2-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

2016, декабрь.
Жаҳон туристик саноати етакчилари Financial Times нашрига 2017 йилда саёҳатчиларга қизиқиш уйғотувчи энг муҳим йўналишлар ҳақида маълумот тақдим этди. Ўзбекистон бу рўйхатда иккинчи ўринни банд этди.

Халқаро экспертларнинг таъкидлашича, туристик соҳани янада ривожлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Президентининг фармони мамлакатга келувчилар сони кескин ошишига асос бўлади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистонда 2017 йилнинг 1 апрелидан бошлаб янги тартиб жорий қилинади. Унга кўра, виза режими дунёнинг 15 мамлакатига нисбатан бутунлай бекор қилинди. Бундан ташқари, мамлакатга визасиз кириш имкони дунёнинг 12 давлатининг 55 ёшдан ошган фуқароларига ҳам берилди.

7. ЎЗБЕКISTON ТЕЗКОР ПОЕЗДЛАРГА ЭГА ДАВЛАТЛАР РЕЙТИНГИДА 17-ЎРИННИ ЭГАЛЛАДИ

2016 йил, март.
GoEuro нашри томонидан ҳозирланган Global High-Speed Train Ranking рейтингига тезкор ҳаракатланувчи поездларга эга мамлакатларнинг темир йўл инфратузилмасига баҳо берилди.

Рейтингни тузишда давлатларда ишлаётган поездларнинг рекорд ҳамда операцион тезликлари, темир йўл тизими эгаллаган ҳудуд аҳоли камрови, аҳолининг 1 километр йўл учун ҳаражатлари сингари мезонлар инобатга олинди.

Биринчи ўринни Япония, иккинчи-учинчи ўринларни

Жанубий Корея ва Хитой эгаллади. Кучли ўнликка, шунингдек, Франция, Испания, Тайвань, Германия, Италия, Австрия, Туркия кирди.

Ўзбекистон жорий рейтингда 17-ўринни эгаллади. Маълум бўлишича, мамлакатимиз тезкор поездлари қайд қилган рекорд тезлик 255 км/соатни, операцион тезлик эса 250 км/соатни ташкил қилган. Мамлакат темир йўл инфратузилмасининг 8,21 фоизини тезкор ҳаракатланувчи поездлар эгаллайди. Аҳолининг 9,01 фоизи тезкор поездлардан фойдаланиш имкониятига эга, бунда 1 километр йўлга ўртача 0,18 евро сарфланади.

8. ЎЗБЕКISTON ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ РЕЙТИНГИДА 9-ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ



2016 йил, февраль.
Озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси бўйича дунё мамлакатлари рейтингига Ўзбекистон 64-ўринни эгаллади. Бу олдинги йилга нисбатан 9 поғона баланддир.

Рейтингда 109 мамлакат озиқ-овқат маҳсулотларининг кенг тарқалиши ва истеъмол қилиниши даражаси, уларнинг мавжудлиги ва етарлилиги, озиқ-овқатлар сифати ва хавфсизлик даражаси каби учта асосий мезон бўйича баҳоланади.

Бу рейтингда АҚШ етакчилик қилди, у ўтган йили ҳам биринчи ўринда эди. Юқори ўнликка, шунингдек, Сингапур, Ирландия, Австралия, Нидерландия, Швейцария, Канада, Германия, Австралия, Франция ва Норвегия кирди.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АбЗАМ тайёрлади.

ЯНГИ ЙИЛ ОҚШОМИ



Сенжар ШОТЎЛДАҲОНОВ, Фотурх АЛИЕВ ва ҲА олган суратлар.

Реклама ўрнида

«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»
акциядорлик компанияси жамоаси

мамлакатимиз аҳлини
Янги 2017 йил
шодиёналари
билан табриклайди.

Янги йил қалбларимизга қувонч,
оилаларимизга хотиржамлик,
бахту иқбол олиб келсин!

МУАССИС:



О'ЗБЕКISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	Saidahmad RAHIMOV	
Saidkamol XODJAYEV		

Qabulxonona — 233-65-65

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138
17015
nuxxada
bosildi.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Shuhrat ISLOMOV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7433



1 2 3 4 6